



**Дармон ИБРАГИМОВ. Имиж яратиш масаласи журналист нигоҳида.**  
**Наргис ҚОСИМОВА, Фарида РАҲИМОВА**  
**“Нодавлат нотижорат ташкилотлар имижини яратиш: назария ва амалиёт” ўқув-амалий қўлланмасига тақриз: – Тошкент: Турон-иқбол, 2015. – 140б.**

Мамлакатимизда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Улар фуқаролик жамиятининг энг муҳим институти сифатида демократик кадриятлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдек вазифани бажарадилар. Нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) фуқароларнинг қонуний манфаатларини ифода этади, уларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини рўёбга чиқаришга, давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги ташаббусларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Бугун республикада халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва тамойилларига тўла мос келадиган, ННТнинг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги долзарб муаммоларни ечишда, шахс ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги тенг иштирокини таъминлаб берувчи қонун ҳужжатлари базаси яратилди. Муҳтарам Президентимиз 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган эдилар. Хусусан, Президентимиз ННТнинг ўрни ва ролига баҳо бериб шундай фикрларни билдириб ўтган: «Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Бундай

ташкilotларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда».

Бугунги кунда ННТ жамият қурилишида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб, давлатнинг тенг ҳуқуқли шеригига айланмоқда, уларнинг сони эса кетма-кет суръатларда ўсиб келмоқда. Жумладан, бугунги кунга келиб уларнинг сони 2010 йилга нисбатан 1,6 бароварга ошиб, 8 250 тага етди. ННТ ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида уларнинг жамиятнинг барча соҳаларига кириб боришини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу ташкilotларнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига даҳл қилувчи қонун ҳужжатлари, давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, турли хил ижтимоий ҳизматларни тақдим қилиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва фуқаровий ўзини ўзи англашидаги иштироки анъанага айланиб улгурди.

Нодавлат нотижорат ташкilotи вакиллари, ахборот хизмати ходимлари бевосита мазкур йўналишга қизиққан ва ихтисослашаётган журналистлар учун Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан янги ўқув-амалий қўлланма чоп этилди. Унинг долзарблиги нимада кўринади? Айтиш жоизки, филология фанлари номзоди Наргис Қосимова ва Фарида Раҳимова томонидан яратилган мазкур ўқув-амалий қўлланма 6 бобдан иборат.

Унинг **биринчи боби** «Нодавлат нотижорат ташкilotлар имижини шакллантириш омиллари ва ўзига хос хусусиятлари» деб номланиб, унда “имиж” тушунчасининг умумий тавсифи ва шакллари берилади. ННТ имижини шакллантириш асослари ва унинг мақсадли аудиторияси таҳлил этилиб, ННТ имижини шакллантиришда жамоатчилик билан алоқаларнинг аҳамияти ҳамда ОАВнинг роли кўрсатилади. Бугунги кунда фуқаролик жамияти институтларининг асосий бўғини ҳисобланган нодавлат нотижорат ташкilotлар фаолиятини кенг ёйиш, уларнинг қиёфасини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш усуллари содда, тушунарли тарзда, босқичма-босқич амалга оширилади.

Қўлланманинг **иккинчи боби** нодавлат нотижорат ташкилотлар имижини шакллантиришда ОАВ ва интернет-ресурслардан самарали фойдаланиш қоидаларига бағишланиб, унда муаллифлар ННТнинг фаолияти ҳақида ОАВда учрайдиган стереотиплар, ННТ ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигидаги мавжуд муаммоларни таҳлил этишган ва ижтимоий шерикчиликни амалга ошириш йўллари кўрсатиб ўтишган.

**Учинчи боб** «ОАВ ва жамоатчилик учун тадбирлар ташкил этиш» деб номланади. Мазкур боб муҳим аҳамият касб этиб, айнан унда ННТ вакилларига матбуот анжуманини ҳамда ОАВ учун уюштириладиган бошқа тадбирларни ташкил этиш йўллари ва уларни ўтказишда энг кўп йўл қўйиладиган хатолар таҳлил этилган. ННТ вакиллари, ахборот хизмати ходимлари ҳамда журналистика факультетларининг талабалари «ОАВ вакиллари учун ахборот қандай тайёрланади?», «Event нима ва ундан қай тарзда фойдаланилади?» каби саволларга мазкур бобдан жавоб топадилар.

**Тўртинчи боб** «Нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятини оширишда интернетнинг ўрни» деб номланган бўлиб, унда ННТ веб-сайтнинг афзалликлари, сайт контенти ва дизайни, онлайн материаллар тайёрлаш ва фотосуратларни жойлаштириш қоидалари, ННТ имижини шакллантиришда ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш аҳамияти хусусида сўз юритилади. Шунингдек бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқдаги ахлоқий меъёрларга риоя этиш борасида таклифлар берилади.

Ўз-ўзини презентация қилиш (яхши томонларини кўрсатиш) профессионал имижини шакллантиришда биринчи қадам бўлиб, жамоат жойларида ўтказиладиган конференция, учрашувлар, турли хил тадбирлардан бошланади. ННТ имижини яратишда унинг фаолиятига доир тақдимотларни ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки инсон сизни 75 фоизга биринчи чиқишингизда эслаб қолади. Демак, бирор бир акцияда, ОАВ вакиллари учун мўлжалланган тадбирда ННТ фаолияти хусусида унинг вакили ёки ахборо хизматининг ходими сўзлаб бермоқчи бўлса у нималарга эътибор бериши лозим? Айнан ана шу саволларга қўлланманинг «Ўз-ўзини ва нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятини тақдим қилиш сирлари» деб номланган **бешинчи боб**да жавоб топиш мумкин.

Ҳар бир нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолияти, лойиҳа доирасида амалга ошираётган ишлари, ўтказаётган тадбирлари хусусида ахборотга эга бўлади, аммо уни оммага қай тарзда узатишни билишмайди ёки ННТ ходимлари мазкур ахборотнинг ўзига хос қиймати мавжуд бўлиб,

ундан аҳолини хабардор қилиш зарурлиги хусусида ўйлаб ҳам кўришмайди. ННТ миссияси, ташкилот ғоялари, унинг жамият ривожини йўлидаги ҳаракатлари билан нафақат мақсадли аудиторияси, балки кенг жамоатчилик ҳам доимий равишда танишиб бориши керак. Буни қандай амалга ошириш зарурлиги «Ахборотни узатиш тамойиллари» сарлавҳали **олтинчи боб**нинг «Ахборот узатишда ОАВ вакиллари билан мулоқотда юзага келадиган муаммолар», «Журналистлар билан мулоқот қилиш бўйича тавсиялар», «ННТ фаолияти ҳақидаги ахборотни тарқатишнинг энг оммабоп усуллари» ва «Ижтимоий реклама ва ижтимоий ролик» каби параграфларида батафсил келтирилган.

Ўқув-амалий қўлланма фуқаролик жамияти институтлари раҳбарияти, ташкилот ахборот хизматлари, хусусан нодавлат ношиёрлик ташкилотлари ходимлари, Ўзбекистон олий таълим муассасалари журналистика факультетлари талабалари учун мўлжалланган. Назария билан амалиётнинг уйғунлиги боис қўлланма ўз фаолиятини бошлаётган фуқаролик жамияти институти вакили, ахборот хизмати ходими ёхуд мазкур йўналишга қизиққан ҳар қандай шахс учун яқин ёрдамчига айланиши муқаррар.

**Дармон ИБРАГИМОВ**

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Sport» телерадиоканали  
«Махсус лойиҳалар, медиатеchnология ва медиаметрия» студияси  
бош муҳаррири.